

Иш рақами № 1-2001-2501/44
Маърузачи судья - Н.Жураев

Биринчи инстанцияда ишни
кўришда раислик қилган судья -
У.Жўраев

Апелляция инстанциясида
маърузачи бўлган судья - З.Шеров

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2026 йил январь ойининг 16-куни Бухоро вилоят суди
жиноят
ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси, суд
биносиди,
очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Н.Жураев,

Ҳайъат аъзолари: Т.Тангриев ва С.Ҳамроқуловдан иборат
таркибда, М.Мустафоевнинг котиблигида, тарафлардан
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори И.Рахимов,
судланувчи 3.Болтаев

ва унинг ҳимоячиси - адвокат Б.Ташев, жабрланувчилар
И.Бахронов ва М.Музаффаровнинг иштирокида, Бухоро вилоят
суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция
инстанциясининг 2025 йил 14 майдаги ажримига нисбатан
судланувчи 3.Болтаев томонидан келтирилган шикоят асосида
жиноят иши ҳужжатларини тафтиш тартибида кўриб чиқиб,
қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2025 йил
17 мартдаги ҳукмига кўра:

1994 йил 21 июлда Когон шаҳрида туғилган, Ўзбекистон
фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, бўйдоқ, якка
тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган, муқаддам
судланмаган, Когон шаҳар, “Бунёдкор” МФЙ, Сайилгоҳ
кўчаси, 1-уйда яшаган, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси
қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини муддатида
олган Болтаев Зодабек Уткир ўғлига

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б”
банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 5 йил 6 ой
озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони
умумий тартибли колонияларда ўташ, жазони ўташ муддати
2024 йил 17 декабрь кунидан бошлаб ҳисобланиши
белгиланган.



Хукм қонуний кучга киргач, судланувчи З.Болтаевдан жабрланувчи Б.Ражабов фойдасига 27.110.000 сўм, М.Музаффаров фойдасига 81.009.205 сўм, И.Бахронов фойдасига 13.697.680 сўм ва М.Носирова фойдасига 2.318.400 сўм моддий зарарлар ундирилиши белгиланган.

2025 йил 25 мартдаги ЖПКнинг 541-моддаси тартибида чиқарилган ажримга асосан суд ҳукмининг моддий зарар ундиришга оид қисмига аниқлик киритилиб, ҳукмдаги судланувчи З.Болтаевдан жабрланувчи И.Бахронов фойдасига ундирилиши белгиланган моддий зарар миқдори “13.697.680 сўм” ўрнига “29.897.680 сўм” деб ўқилиши белгиланган.

Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 14 майдаги ажримига кўра,

ҳукмнинг моддий зарар ундиришга оид қисми ўзгартирилиб, судланувчи З.Болтаевдан жабрланувчи М.Музаффаров фойдасига 53.970.405 сўм ва жабрланувчи И.Бахронов фойдасига 21.609.000 сўм моддий зарарлар ундирилиши белгиланган ва ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи З.Болтаев алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани кўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 12 декабрь куни Ш.Ражабовнинг ишончига кириб, Бухоро шаҳар, “Р.Ҳамроев” МФЙ, Навоий шоҳ кўчаси, 419-уйда жойлашган “Garant” номли савдо марказидан Ш.Ражабовнинг фуқаролик паспорти маълумотлари асосида тўловларни тўлов графиги асосида ҳар ойда ўзи тўлаб боришини ваъда қилиб, тўлов графигида кўрсатилганидек ҳар ой 957.000 сўмдан, яъни 12 ой давомида жами 11.478.600 сўм тўлаши шартлигини билган ҳолда, Ш.Ражабовнинг номига “Magicar” русумли автомашина сигнализация ускунаси ва бошқа маҳсулотларни олишга эришиб, уларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқарога сотиб юбориб, келишувга асосан тўловларни ўз вақтида тўламасдан, ишончини суиистеъмол қилиб, жабрланувчи Ш.Ражабовга 11.478.600 сўм моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Шунингдек, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани кўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 22 декабрь куни Б.Ражабовнинг ишончига кириб, Бухоро шаҳар, “Р.Ҳамроев” МФЙ, Навоий шоҳ кўчаси, 419-уйда жойлашган “Garant” номли савдо



марказидан Б.Ражабовни фуқаролик паспорти маълумотлари асосида тўловларни тўлов графиги асосида ҳар ойда ўзи тўлаб боришини ваъда қилиб, тўлов графигида кўрсатилганидек ҳар ой 805.000 сўмдан, яъни 12 ой давомида жами 9.660.000 сўм тўлаши шартлигини билган ҳолда, Б.Ражабовнинг номига уяли телефон аппарати ва бошқа маҳсулотларни олишга эришиб, уларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқароларга сотиб юбориб, келишувга асосан тўловларни ўз вақтида тўламасдан, ишончини суиистеъмол қилиб, жабрланувчи Б.Ражабовга 9.660.000 сўм моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 29 декабрь куни Ш.Ражабовнинг ишончига кириб, Бухоро шаҳар, “А.Дониш” МФЙ, Навоий шоҳ кўчасида жойлашган “Мунис савдо” номли савдо марказидан унинг номига фуқаролик паспорти маълумотлари асосида кредитга нарса олиб, уларни пулини ўз вақтида тўлаб боришни ваъда қилиб, “Мунис савдо” номли савдо марказидан ўртасида тузилган 4927-сонли олди-сотди шартномасига кўра ҳар ой 933.000 сўмдан 24 ой давомида жами 22.392.600 сўм тўлаш шарти билан икки дона “Neoline X-Cop 7800S” русумли антирадар мосламалари, икки дона “Redmi Note” русумли

уяли телефон аппаратлари ва бир дона “FENDA F-550X” русумли

овоз кучайтириб бергичларни олишига эришиб, муддатли тўлов асосида олинган маҳсулотларни қўлга киритганидан сўнг дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқарога сотиб юбориб, пулини ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни ҳам тўламасдан, ишончини суиистеъмол қилиб, жабрланувчи Ш.Раджабовга 22.392.600 сўмлик моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Шунингдек, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 9 январь куни ўзига олдиндан таниш бўлган Б.Ражабовнинг ишончига кириб, Бухоро шаҳар, “А.Дониш” МФЙ, Навоий шоҳ кўчасида жойлашган



“Мунис савдо” номли савдо марказидан унинг номига фуқаролик паспорти маълумотлари асосида кредитга нарса олиб, уларнинг пулини ўз вақтида тўлаб боришни ваъда қилиб, “Мунис савдо” номли савдо марказидан ўртасида тузилган 5014-сонли олди-сотди шартномасига кўра, ҳар ой 727.083 сўмдан 24 ой давомида жами 17.450.000 сўм тўлаш шarti билан бир дона “Acer” русумли ноутбук компьюттери, бир дона “Redmi Note 12” русумли уяли телефон аппарати ва бир дона “Косманафт” номли ёритгичларни олишига эришиб, ушбу маҳсулотларни Б.Ражабовдан олиб кетиб, уларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқарога сотиб юбориб, пулини ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни ўз вақтида тўлаб бормасдан, ишончини суиистеъмол қилиб, Б.Ражабовга 17.450.000 сўмлик моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 9 апрель куни ўзига олдиндан таниш бўлган М.Музаффаровнинг ишончига кириб, Бухоро шаҳар, “А.Дониш” МФЙ, Навоий шоҳ кўчасида жойлашган “Мунис савдо” номли савдо марказидан унинг номига фуқаролик паспорти маълумотлари асосида кредитга нарса олиб, уларнинг пулини ўз вақтида тўлаб боришни ваъда қилиб, “Мунис савдо” номли савдо маркази билан ўртасида тузилган 5913-сонли олди-сотди шартномасига кўра, ҳар ой 856.200 сўмдан 24 ой давомида жами 20.549.000 сўм тўлаш шarti билан икки дона “Honor X8” русумли уяли телефон аппаратлари, бир дона “Magicar” русумли автомашина сигнализация ускунаси ва бир дона “Kenwood” русумли овоз кучайтириб бергичларни олишга эришиб, муддатли тўлов асосида олинган маҳсулотларни қўлга киритганидан сўнг дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқарога сотиб юбориб, пулини ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни ҳам тўламасдан, М.Музаффаровга 20.549.000 сўмлик моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Шунингдек, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 12 апрель куни таниши



М.Музаффаровнинг ишончига кириб, “Uzum Nasiya” мобиль иловасини юклаб олиб, ушбу мобиль илова орқали лимит олганидан сўнг берилган лимитга яраша савдо дўконларни керакли маҳсулотларни олиб беришини, лимитлар учун чиқадиган ойлик тўловларини ўз вақтида тўлаб бориб, ёпиб беришини ваъда қилиб, уни бунга ишонтириб, ажратилган 11.188.800 сўм лимит ҳисобидан Когон шаҳар, “А.Навоий” МФЙ, Бухорошоҳ кўчаси, 18-уйда жойлашган “Соҳибкор” дехқон бозори ҳудудида жойлашган савдо мажмуасидаги дўконларнинг биридан

ҳар ой 1.864.800 сўмдан, 6 ой давомида жами 11.188.800 сўм тўлаш

шарти билан бир дона “Lenovo/intel i3” русумли ноутбук компьютерини расмийлаштириб олишга эришиб, ушбу компьютерни қўлга қиритганидан сўнг уни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқарога сотиб юбориб, пулини ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни ўз вақтида тўламасдан, М.Музаффаровга моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил апрель ойининг охирида таниши И.Бахроновнинг ишончига кириб, унда ҳисобида 17.000.000 сўм пули бўлган “Solfi” муддатли тўлов картаси борлигини, ушбу картанинг ҳисобидаги пул маблағидан фақатгина дўконлардан маҳсулотлар олишда фойдаланиш мумкинлигини билиб, ушбу пул маблағини қўлга киритиш мақсадида, унга пул керак бўлиб қолганигини айтиб, тўлов картаси ҳисобида бўлган пул маблағига Бухоро шаҳар, “Дилкушо” МФЙ, Ибн-Сино кўчаси, 6-уйда жойлашган “Technomart” номли савдо марказидан муддатли тўлов асосида 16.200.000 сўмни ташкил қилувчи икки дона уяли телефон аппаратларини олиб берса, тўлов графигига асосан белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлаб боришни ваъда қилиб, уни шунга ишонтириб, ушбу телефон аппаратларини қўлга киритганидан сўнг уларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқарога сотиб юбориб, пулини ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни тўламасдан, И.Бахроновга моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Шунингдек, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол



қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил апрель ойининг охирида ўзига олдиндан таниш бўлган М.Музаффаровнинг ишончига кириб, унга пул зарурлиги агар номидан микроқарз олиб берса, ўз вақтида фоизлари билан тўлаб ёпиб беришини айтиб, уни шунга ишонтириб, у томонидан фойдаланиб келинаётган +99899-025-46-24 рақами ўрнатилган “Samsung A20” русумли уяли телефон апаратига “AVO bank” мобиль иловасини юклаб олиб, ушбу мобиль илова орқали

бир йил давомида фоизи билан ҳисоблаганда 3.100.000 сўмлик микроқарз олдириб, олинган ушбу микроқарзни ўзига тегишли бўлган пластик картаси ҳисоб рақамига кўчиртириб олиб пул маблағининг ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни тўламасдан, З.Болтаевга моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 29 май куни ўзига олдиндан таниш бўлган И.Бахроновнинг ишончига кириб, унга Когон шаҳар, “А.Навой” МФЙ, Бухорошоҳ кўчасида жойлашган “Ишонч” номли савдо марказидан унинг фуқаролик паспорти маълумотлари асосида маҳсулотларни муддатли тўлов асосида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан олиб, пулни уни номидан ўзи ўз вақтида кечиктирмасдан тўлаб боришни ваъда қилиб, уни шунга ишонтириб, 1135-сонли муддатли тўлов шарти билан олди-сотди шартномасига кўра ҳар ой 1.141.500 сўмдан 12 ой давомида жами 13.697.680 сўм тўлаш шарти билан уч дона “Magicar” русумли автомашинага ўрнатиладиган “сигнализация” ускуналарини олишига эришиб, ушбу маҳсулотларни И.Бахроновдан олиб кетиб, уларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқарога сотиб юбориб, пулини ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни ўз вақтида тўлаб бормасдан, И.Бахроновга моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Шунингдек, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 30 июль куни ўзига олдиндан таниш бўлган М.Музаффаровнинг ишончига кириб, ўзига пул



зарурлиги агар номидан микроқарз олиб берса, ўз вақтида фоизлари билан тўлаб ёпиб беришини айтиб, уни шунга ишонтириб, у томонидан фойдаланиб келинаётган +99899-025-46-24 рақами ўрнатилган “Samsung A20” русумли уяли телефон аппаратига “Yangi bank” мобиль иловасини юклаб олиб, ушбу мобиль илова орқали икки йил давомида фоизи билан ҳисоблаганда 5.761.262 сўмлик микроқарз олдириб, олинган ушбу микроқарзни ўзига тегишли бўлган пластик картаси ҳисоб рақамига кўчиртириб олиб пул маблағининг ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни тўламасдан, М.Музаффаровга моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 12 август куни ўзига олдиндан таниш бўлган М.Музаффаровнинг ишончига кириб, унга пул зарурлиги, агар номидан микроқарз олиб берса, ўз вақтида фоизлари билан тўлаб ёпиб беришини айтиб, уни шунга ишонтириб, у томонидан фойдаланиб келинаётган +99899-025-46-24 рақами ўрнатилган “Samsung A20” русумли уяли телефон аппаратига “TENGE BANK” мобиль иловасини юклаб олиб, ушбу мобиль илова орқали бир йил давомида фоизи билан ҳисоблаганда 8.192.043 сўмлик микроқарз олдириб, олинган ушбу микроқарзни ўзига тегишли бўлган пластик картаси ҳисоб рақамига кўчиртириб олиб, пул маблағининг ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни тўламасдан, М.Музаффаровга моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Шунингдек, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 26 август куни таниши М.Музаффаровнинг ишончига кириб, Бухоро шаҳар, “Дилкушо” МФЙ, Ибн-Сино кўчаси, 367-уйда жойлашган “Имкон” номли савдо марказидан М.Музаффаровнинг фуқаролик паспорти маълумотлари асосида тўловларни тўлов графиги асосида ҳар ойда ўзи тўлаб боришини ваъда қилиб, тўлов графигида кўрсатилганидек ҳар ой 396.900 сўмдан, 12 ой давомида жами 4.762.000 сўм тўлаши шартлигини билган ҳолда, М.Музаффаровнинг номига икки дона “MI A3” русумли уяли телефон аппаратларини олишга эришиб, уларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа



фуқарога сотиб юбориб, келишувга асосан тўловларни ўз вақтида тўламасдан, ишончини суиистеъмол қилиб, М.Музаффаровга 4.762.000 сўм моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 5 сентябрь куни таниши М.Музаффаровнинг ишончига кириб, Бухоро шаҳар, “Наврўз” МФЙ, И.Мўминов кўчасида жойлашган “IMAN HALAL” номли савдо марказидан, М.Музаффаровнинг фуқаролик паспорти маълумотлари асосида тўловларни тўлов графиги асосида ҳар ойда ўзи тўлаб боришини ваъда қилиб, тўлов графигида кўрсатилганидек ҳар ой 938.000 сўмдан, 12 ой давомида жами 11.256.100 сўм тўлаши шартлигини билган ҳолда, М.Музаффаровнинг номига икки дона “Samsung A55” русумли ва бир дона “Redmi 11 pro” русумли уяли телефон аппаратларини олишга эришиб, уларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқарога сотиб юбориб, келишувга асосан тўловларни ўз вақтида тўламасдан, ишончини суиистеъмол қилиб, М.Музаффаровга 11.256.100 сўм моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Шунингдек, З.Болтаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил сентябрь ойининг ўрталарида таниши М.Носированинг ишончига кириб, уни “Uzum Nasiya” мобиль иловасини юклаб олиб, ушбу мобиль илова орқали лимит олганидан сўнг берилган лимитга яраша савдо дўконларни керакли маҳсуотларни олиб беришини, лимитлар учун чиқадиган ойлик тўловларини ўз вақтида тўлаб бориб, ёпиб беришини ваъда қилиб, уни бунга ишонтириб, ажратилган 2.318.400 сўм лимит ҳисобидан

Когон шаҳар, “А.Навоий” МФЙ, Бухорошоҳ кўчаси, 18-уйда жойлашган “Соҳибкор” дехқон бозори ҳудудида жойлашган савдо мажмуасидаги дўконларнинг биридан ҳар ой 386.400 сўмдан, 6 ой давомида жами 2.318.400 сўм тўлаш шарти билан бир дона “Redmi 13” русумли уяли телефон аппаратини расмийлаштириб олишга эришиб, ушбу телефонни қўлга қиритганидан сўнг уни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бошқа фуқарога сотиб юбориб, пулини



ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ойлик тўловларни ўз вақтида тўламасдан, М.Носировага моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Судланувчи З.Болтаев тафтиш шикоятда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар қопланганлиги сабабли, апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгартиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Н.Жураевнинг маърузасини, судланувчи З.Болтаев ва унинг ҳимоячиси - адвокат Б.Ташевнинг жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар қопланганлиги сабабли, апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгартириш, прокурор И.Рахимов, жабрланувчилар И.Бахронов ва М.Музаффаровнинг моддий зарарлар қопланмаганлиги сабабли, апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги вазларни текшириб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди судланувчи З.Болтаевга оид жиноят иши тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган.

Судланувчи З.Болтаевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби унинг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчиларнинг аризалари, тилхатлар, юзлаштириш баённомалари, муддатли тўлов ва микроқарз шартномалари, банк ҳисоб маълумотномалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган, инкор этиб бўлмайдиган бошқа далиллар билан тўлиқ исботини топган бўлиб, ушбу далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи З.Болтаевнинг ҳаракатлари ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланадиган жазо одилона бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди судланувчи З.Болтаевга жазо тайинлашда юқорида қайд этилган Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга риоя этган ҳолда, содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахси, муқаддам судланмаганлиги, оилавий шароити, айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги, шунингдек, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар қопланмаганлиги, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси борлиги, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум этмаган ҳолда, у айбланаётган модданинг тегишли қисми санкцияси доирасида шахсига мос ва қилмишига яраша, адолатли жазо тайинлаган.

Апелляция инстанцияси суди судланувчи З.Болтаевнинг жабрланувчилар М.Музаффаров ва И.Бахронов фойдасига ундирилиши белгиланган моддий зарарлар нотўғри ҳисобланганлиги ҳақидаги важларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб, суд ҳукмининг моддий зарар ундиришга оид қисмини ўзгартириб, қонуний ва асосли хулосага келган.

Судлов ҳайъати, мазкур жиноят ишини тафтиш инстанцияси судида кўриш жараёнида жабрланувчи М.Музаффаровга 53.970.405 сўм ва жабрланувчи И.Бахроновга 21.609.000 сўм моддий зарар қопланмагани аниқланганлиги сабабли, апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :



Болтаев Зодабек Ўткир ўғлига нисбатан жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2025 йил 17 мартдаги ҳукмининг моддий зарар ундиришга оид қисмини ўзгартириш тўғрисидаги Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 14 майдаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи: имзо
Н.Жураев

Ҳайъат аъзолари: имзо
Т.Тангриев

имзо
С.Ҳамроқулов

Нусхаси аслига тўғри:
Н.Жураев

Маърузачи: Жураев Нозимжон Сатторович

